

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

46-сон
(910)
2019 йил
18 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

858. «Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрдаги ўРҚ–583-сон Қонуни
859. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 ноябрдаги ўРҚ–584-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

860. «2020 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 ноябрдаги ПФ–5875-сон Фармони
861. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгар-

- тиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4515-сон қарори
862. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3286-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4518-сон қарори
863. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4519-сон қарори
864. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4520-сон қарори
865. «Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4521-сон қарори

Бешинчи бўлим

866. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 11 ноябрдаги 508-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-5*)
867. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 23 октябрдаги 52, 82, 27-сон «Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқшини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196*)
868. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 42-2019-Б-сон «Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046-1*)

869. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 41-2019-Б-сон «Халқ бадийи ҳунармандчилиги ва совғалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2186-1*)
870. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 31 октябрдаги 95-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-3*)
871. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 ноябрдаги 513-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2689-1*)
872. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 16 октябрдаги 105, 26-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101-1*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 9 ноябрдан 15 ноябргача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

858 Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 4, 218-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 5, 267-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси, шунингдек уларнинг жойлардаги бўлинмалари фаолият кўрсатади»;

2) **18²-модда** чиқариб ташлансин;

3) **43-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ходимларига илмий, педагогик ва ижодий фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиш тақиқланади»;

4) **46-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

«46-модда. Прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаси

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси тузилмасида прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаси тузилади.

Прокуратура органларининг ички хавфсизлигини таъминлаш бўлинмаси прокуратура органлари ходимлари томонидан содир этилган хизмат мавқеини суистеъмол қилиш, коррупция ва эгаллаб турган лавозимига нолойиқ бошқа ножўя хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар бўйича хизмат текширувлари ўтказади, прокуратура органларида ички хавфсизликни таъминлаш соҳасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Бош прокуратура хайъатининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари, фармойишлари ва кўрсатмалари сўзсиз ижро этилишини таъминлайди»;

5) **50-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Прокуратура органлари ходимларига давомийлиги ўттиз календарь кундан иборат ҳақ тўланадиган йиллик таътил берилади. Ўн йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимларига давомийлиги беш календарь кун, ўн беш йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга давомийлиги ўн календарь кун, йигирма йилдан ортиқ иш стажига эга бўлганларга эса давомийлиги ўн беш календарь кун қўшимча таътил берилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «**Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида**»ги 837–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **79-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Ветеринария тўғрисида**»ги 935–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 29 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–397-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 12, 453-модда, 2017 йил, № 10, 605-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 7-модда:

номидаги «Давлат ветеринария қўмитасининг» деган сўзлар «**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси (бундан буён матнда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси деб юритилади)»;

иккинчи қисмидаги «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 10-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10-модда. Давлат ветеринария хизматини бошқариш

Давлат ветеринария хизмати Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасидан, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларидан, Давлат чегарасидаги ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасидан, туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларидан, лабораториялардан, «Ўзбекчорванасл» агентлигидан, Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказидан, Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича Давлат илмий марказидан, Ветеринария илмий-тадқиқот институтидан, Самарқанд ветеринария медицинаси институти ва унинг академик лицейидан, шунингдек ветеринария участкаларидан, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораторияларидан, чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларидан (участкаларидан) ҳамда бошқа муассасалардан иборатдир.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига раис раҳбарлик қилади. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг мансабдор шахслари қуйидаги тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади:

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан унинг номзоди маъқулланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари бошлиқлари тегишинча туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади;

Республика ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг, Ветеринария дори воситалари, озуқабоп қўшимчалар сифати ва муомаласи назорати бўйича давлат илмий марказининг, Ветеринария илмий-тадқиқот институтининг, Давлат чегарасидаги ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасининг, шунингдек чегара ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (участкаларининг) раҳбарлари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси томонидан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Давлат ветеринария хизматининг бошқа муассасалари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармалари Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасига, шунингдек тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобдордир.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

3) 12-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг

раиси — Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторидир, унинг ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарларидир (бундан раиснинг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари ва раис ўринбосари — «Ўзбекчорванасл» агентлигининг бош директори мустасно), Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг, Давлат чегарасидаги ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармасининг ветеринар мутахассислари — ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторларидир»;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг бошлиқлари — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларидир, уларнинг ўринбосарлари — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарларидир»;

тўртинчи қисмидаги «Туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимларининг» деган сўзлар «Туманлар (шаҳарлар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **17-модданинг иккинчи қисмидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **19-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **22-модданинг бешинчи қисмидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **27-модданинг учинчи қисмидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда;

2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар) **39¹-моддаси биринчи қисмининг 12-банди** чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда,

№ 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **112-модданинг:**

номидаги «Механизаторлар» деган сўз «**Тракторчи-машинистлар**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

диспозицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тракторчи-машинистлар томонидан тракторлар, комбайнлар, бошқа ўзиюрар қишлоқ хўжалик, мелиорация, йўл-қурилиш машиналаридан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини ва техника хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузиш»;

2) **125-модданинг саккизинчи қисмидаги** «автомобиллар ва тракторлар, бошқа хил ўзиюрар машиналар» деган сўзлар «автомобиллар ва тракторлар, қишлоқ хўжалик, мелиорация, йўл-қурилиш машиналари ва бошқа ўзиюрар машиналар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **197³-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«197³-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг ҳамда унинг девони ходимларининг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш

Мансабдор шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаслик, уларнинг ишига тўсқинлик қилиш, уларга била туриб ёлғон ахборот бериш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан мурожаатларни, хулосаларни, тақдимномаларни, илтимосномаларни кўриб чиқмасдан қолдириш ёки уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш ёхуд улар юзасидан била туриб қасдан ишончсиз маълумотларни тақдим этиш, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **245⁷-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«245⁷-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси органларига ушбу Кодекснинг 65, 66, 67, 68, 69-моддаларида (қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ

қисми), 74-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида, 75, 76-моддаларида (сунъий сув иншоотлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган сув ресурсларидан фойдаланишга оид қисми), 87-моддасида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми), 89 ва 89¹-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми), 92-моддасида (наслчиликка оид қисми), 104¹, 104²-моддаларида, 107-моддасида (қишлоқ хўжалигига оид қисми), 112-моддасида, 125-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмларида, 135, 139, 140, 141-моддаларида (қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл қурилиши техникасига оид қисми), 176¹-моддасида (қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми), 200, 212, 213, 214, 227¹⁴-моддаларида (қишлоқ ва сув хўжалигига оид қисми) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллашга Инспекция бошлиғи ва унинг ўринбосарлари, Инспекция ҳудудий бошқармаларининг ҳамда Инспекция туманлар (Қувасой шаҳар) бўлимларининг бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари ҳақлидир»;

5) қуйидаги мазмундаги **245⁸-модда** билан тўлдирилсин:

«245⁸-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари

Ушбу Кодекснинг 197³, 241¹ — 241¹¹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома кўриб чиқиш учун ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга юборилди»;

6) **259-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Давлат ветеринария қўмитасининг» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Наслчилик тўғрисида**»ги 165–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 255-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **6-модда** билан тўлдирилсин:

«6-модда. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлигининг наслчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлиги:

наслчилик субъектларини давлат аттестациясидан ўтказди ва наслчилик хўжаликларининг мақоми тўғрисидаги гувоҳномани беради;

наслдор ҳайвонлар ва наслдор подани тегишлилиги бўйича давлат наслдор ҳайвонлар китобига ҳамда давлат наслчилик регистрига киритади;

сунъий уруғлантиришни ташкил этади, наслчилик-селекция ишларини такомиллаштиради;

чорвачиликда соф генофондни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ишлаб чиқилган наслчилик-селекция дастурларини амалиётга татбиқ этади ҳамда мувофиқлаштиради;

чорвачиликда наслчилик ишини ва наслдорлик сифатини яхшилаш учун наслчилик ресурсларини яратади, сақлайди, кўпайтиради ҳамда улардан оқилона фойдаланади»;

2) 7-модданинг:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси»;

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилари тегишинча **учинчи — тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) 9-модда:

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги ва **иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси»** деган сўзлар **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 11-модданинг бешинчи хатбошисидаги «Қишлоқ хўжалиги ва-

зирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўзбекчорванасл» агентлигига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **16-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **21-модданинг иккинчи қисмидаги** «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **22-модданинг учинчи қисмидаги** «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Селекция ютуқлари тўғрисида**»ги 270–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **4-моддасининг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида**»ги 483–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 239-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 8, 470-модда) **4-моддасининг биринчи қисмидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**»ги 71–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси,

2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 9, 245-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2018 йил, № 10, 670-модда) **21-моддасининг биринчи қисмига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лицензиатлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли орган билан келишилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширувлар ўтказиш»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишинча **учинчи — олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган «**Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 215–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 84-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 12, 470-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2017 йил, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 9, 589-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг биринчи қисмидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **10-модданинг матнидаги** «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида**»ги 712–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–483-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 428-модда) **14-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14-модда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ўтказишда Палатанинг иштирок этиши

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун Палата:

уларнинг фаолиятини текширишларда бевосита иштирок этади;

ўтказиладиган текширувларнинг қонунийлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг текширишлар яқунлари бўйича қабул қилинган қарорлари устидан шикоят қилади».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **30-модданинг бешинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **329-модданинг биринчи қисми:**

21-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда уларнинг жойлардаги органлари» деган сўзлар «ҳамда унинг жойлардаги органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **39** ва **40-бандлар** билан тўлдирилсин:

«39) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойлардаги органлари — қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

40) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

3) **330-модданинг биринчи қисми:**

8-бандидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда уларнинг жойлардаги органлари» деган сўзлар «ҳамда унинг жойлардаги органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **25** ва **26-бандлар** билан тўлдирилсин:

«25) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротранспорт мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг жойларидаги органлари — қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик бўйича давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда бериладиган аризалар юзасидан;

26) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган даъволар, аризалар ва шикоятлар юзасидан»;

4) **330¹-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **15-банд** билан тўлдирилсин:

«15) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб берилган аризалар (шикоятлар) юзасидан».

13-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда) **72-моддаси 2-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «давлат ветеринария бўлимлари» деган сўзлар «ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Экологик назорат тўғрисида**»ги ЎРҚ–363-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 9, 591-модда) **11-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмдаги «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмнинг саккизинчи хатбошисидаги «Давлат ветеринария қўмитаси» деган сўзлар «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тад-**

биркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида»ги ЎРҚ–440-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 8, 384-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 7-модда:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг текширувларини мувофиқлаштиришни ҳамда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувлари ўтказилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш»;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 8-модданинг биринчи қисми:

бешинчи хатбошисидаги «кўриб чиқилиши» деган сўзлар «бажарилиши» деган сўз билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошисидаги «аризалар ва даъволар» деган сўзлар «аризалар, даъволар ва шикоятлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш»;

3) 10-модданинг иккинчи қисмидаги «кўриб чиқилиши» деган сўзлар «бажарилиши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) 18-модданинг тўртинчи қисми «вакилнинг» деган сўздан кейин «ва унинг девони ходимларининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 21-модданинг:

номидаги «ўринбосари» деган сўз «**ўринбосарлари**» деган сўз билан алмаштирилсин;

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади»;

иккинчи қисмидаги «ўринбосари» деган сўз «ўринбосарларидан бири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) 22-модда:

иккинчи қисмидаги «ўринбосари» деган сўз «ўринбосарларидан бири» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вакил девонининг ходимлари маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ҳуқуқига эгадир»;

бешинчи ва **олтинчи қисмлари** тегишича **олтинчи** ва **еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

7) **23-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни ва унинг ўринбосарларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил — мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосарига, Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ўринбосарлари — мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий таъминоти шарт-шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг шўъба мудирига тенглаштирилади».

16-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **373-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ишда иштирок этган-этмаганлигидан қатъи назар, қонуний кучга кирган, мазкур иш юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор устидан шикоят қилишга ҳақли, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно»;

2) **403-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган бошқа шахслар, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар бундан мустасно суднинг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида кўрилмаган ҳал қилув қарори устидан, у қонуний кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида кассация тартибида шикоят қилиши ва прокурор протест келтириши мумкин».

17-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5,

261, 266-моддалар, № 9, 592-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 282-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида қўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятни беришга ҳақлидир, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 307-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари, агар ишда иштирок этувчи шахсларнинг ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ушбу суд ҳужжатлари туфайли бузилган бўлса, ушбу шахсларнинг шикоятлари бўйича ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ва унинг ўринбосарларининг протести бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилнинг шикоятлари бўйича, бундан тадбиркорлик субъектлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий низолар ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан назорат тартибида қайта қўрилиши мумкин».

18-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 224-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган, апелляция тартибида қўрилмаган ҳал қилув қарори устидан кассация шикоятни беришга ҳақлидир, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган низолар мустасно»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) 249-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция ёки кассация тартибида қўрилган ишлар бўйича суд ҳуж-

жатлари устидан ишда иштирок этувчи шахслар, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар томонидан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан назорат тартибида шикоят қилиниши мумкин, бундан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган суд ишлари мустасно».

19-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралда қабул қилинган «**Уруғчилик тўғрисида**»ги ЎРҚ–521-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 46-модда) қўйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда ўн биринчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «уруғликлар туркуми»** деган сўзлар «**уруғликлар тўдаси**» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модда олтинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «уруғлик экинзорлари»** деган сўзлар «уруғлик экинлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **8-модда:**

биринчи қисми тўртинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «туркумига» деган сўз «**тўдасига**» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «туркумининг» деган сўз «**тўдасининг»** деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **11-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини, шу жумладан пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантиради;

маҳаллий ва хорижий селекция навларининг, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этади ҳамда ривожлантиради;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича норматив талабларни халқаро стандартларга ва техник регламентга мувофиқ ишлаб чиқади;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилайди;

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, уруғликларга экишдан олдин ишлов беришга ҳамда уларни қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этади;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навларини синашга доир ишларни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрини юритади;

уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари навларининг синовига доир ишларни ташкил этади;

пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун рухсат беради;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш ҳажмларига доир мақсадли прогноз кўрсаткичларни белгилайди;

уруғлик экинларни жойлаштириш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлайди;

уруғлик экинларни апробациядан ўтказишда иштирок этади»;

5) **13-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази:

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестрини шакллантиради ва юритади;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотлар ўтказишга, ушбу соҳа корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашади;

ўз расмий веб-сайтида маҳаллий ва чет элдан келтирилган уруғликлар, уларнинг навлари, гибридлари, тоифалари, уларни етиштириш ҳажмлари ҳақидаги, шунингдек уруғликларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади»;

6) **15-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **16-модда:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **17-модда:**

номидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «туркумларига» деган сўз «тўдаларига» деган сўз билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошисининг ўзбекча матнидаги «туркумларининг» деган сўз «тўдаларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **18-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Уруғликларнинг генетик (нав) сифати уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларнинг апробацияси, уруғлик экинларнинг навларини тупроққа экиб баҳолаш, уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синовлари натижалари бўйича аниқланади»;

10) **19** ва **20-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларнинг апробацияси

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларнинг апробацияси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий органларининг, шунингдек тегишли тайёрлов ҳамда таъминот ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг қўшма қарори билан тузиладиган туман апробация комиссиялари томонидан ўтказилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларнинг апробацияси ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатдан софлигининг, зараркундалар билан зарарланган-зарарланмаганлигининг, касалликларга чалинган-чалинмаганлигининг ва уруғликлар умумий ҳолатининг далада ўтказиладиган текшируви орқали амалга оширилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларнинг апробациясини ўтказиш натижаларига кўра туман апробация комиссиялари томонидан манфаатдор ташкилотларга ва жисмоний шахсларга апробация далолатномаси берилади.

Уруғлик етиштирувчилар шахсий фойдаланишдаги уруғлик экинларнинг апробациясини апробация далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ўтказишга ҳақли.

20-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларни тупроққа экиб баҳолаш

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларни тупроққа экиб баҳолаш уруғликларни махсус участкаларда экиш ва келгусида уларнинг генетик (нав) сифатини текшириш орқали уруғликларнинг муайян турга, навга мансублигини ҳамда нав жихатдан софлигини белгилайди.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларни тупроққа экиб баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтказилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинларни тупроққа экиб баҳолашни ўтказиш натижаларига кўра манфаатдор ташкилотларга ва жисмоний шахсларга уруғликларнинг генетик (нав) сифати тўғрисида хулоса берилади»;

11) **21-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) 22-модда:

биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «туркумларидан» деган сўз «тўдаларидан» деган сўз билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Уруғликлар тўдаларидан намуналар ажратиб олиш, уларнинг таҳлилини ўтказиш ва уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади»;

13) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **24-модданинг биринчи ва тўртинчи қисмларидаги** «Инно-

вацион ривожланиш вазирлиги» деган сўзлар «Қишлоқ хўжалиги вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **28-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қарорига биноан амалга оширилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун махсус рухсатнома талаб этилмайди»;

16) **31-модданинг биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Уруғчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, тегишли тармоқ илмий-тадқиқот муассасалари ва олий таълим муассасалари, шунингдек бошқа илмий ташкилотлар томонидан амалга оширилади».

20-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

21-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 ноябрь,
ЎРҚ-583-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

859 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 754–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 33-модданинг биринчи қисми:

қўйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар соғлиғини ва атроф-муҳитни ялдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш учун утилизация йиғими (бундан буён матнда утилизация йиғими деб юритилади) ундиришни»;

учинчи — ўн биринчи хатбошилари тегишинча **тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 34-модда:

биринчи қисми «бошқа мажбурий тўловлардан» деган сўзлардан кейин «утилизация йиғимидан» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Утилизация йиғими суммалари даромадлар бўйича шахсий разна ҳисобварағига келиб тушади»;

тўққизинчи ва **ўнинчи қисмлари** тегишинча **ўнинчи** ва **ўн биринчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **25-моддасининг иккинчи қисмидаги** «хусусий» деган сўз чиқариб ташлансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**»-ги 938–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда) **66-моддасининг биринчи қисмидаги** «шунингдек дафн этиш нафақасини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 3, 161-модда, № 4, 199-модда, № 8, 469-модда) **63-моддасининг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Кўп квартирали уйлар атрофидаги ер участкалари ушбу уйларнинг турар жойлари ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлари мулкдорларига доимий фойдаланиш учун берилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул

қилинган 713–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 4-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 6, 260-модда; 2007 йил, № 1, 3-модда, № 4, 156-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 365-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 673, 676-моддалар; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 4, 199-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг ўн биринчи хатбошисидаги «хусусий»** деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **23-модданинг:**

номи «турар жойлардан» деган сўзлардан кейин **«ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ички ишлар органлари тегишли ҳудудда фуқаролар ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойлардан ҳамда яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланилиши, шу жумладан паспорт режимига риоя этилиши, яшаётган шахсларнинг ҳисобга олиниши ва тегишли шартномаларнинг мавжудлиги юзасидан назоратни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан биргаликда амалга оширади»;

3) **VIII бўлимнинг номидаги «ХУСУСИЙ»** деган сўз чиқариб ташлансин;

4) **128-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«128-модда. Уй-жой мулкдорларининг ширкати

Уй-жой мулкдорларининг ширкати (бундан буён матнда ширкат деб юритилади) кўп квартирали битта ёки бир нечта зич жойлашган, ободонлаштириш элементлари бўлган умумий ер участкаси билан бирлаштирилган уйдаги хусусий турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг бирлашмасидир.

Ширкат турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг ташаббуси билан ташкил этилади, у нотижорат ташкилоти бўлиб, ўз уставига мувофиқ ўзини ўзи бошқариш асосида фаолият кўрсади.

Ширкатларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби конун ҳужжатлари билан белгиланади»;

5) **132-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«132-модда. Кўп квартирали уйдаги турар жойларни ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларни ва умумий мол-мулкни сақлаш харажатлари

Кўп квартирали уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган

жойлар мулкдори ўзига қарашли турар жойни ўз ҳисобидан тегишли техник ва санитария ҳолатида сақлайди, шунингдек кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни ўз зиммасига олади.

Кўп квартиралли уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари умумий харажатларни, қоида тариқасида, мажбурий бадаллар шаклида биргаликда зиммаларига оладилар, бу бадаллар кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкни бошқариш, унга хизмат кўрсатиш, уни жорий ва капитал таъмирлаш ҳамда кўп квартиралли уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш харажатларининг ўрнини қоплаши керак.

Кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича мажбурий бадаллар миқдори мазкур уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

Мулкдорнинг кўп квартиралли уйдаги ўзига қарашли турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланмаслиги ёхуд умумий мол-мулкдан фойдаланишдан воз кечиши уни кўп квартиралли уйдаги умумий мол-мулкни ҳамда шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларда иштирок этишдан тўлиқ ёки қисман озод қилмайди.

Кўп квартиралли уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдори ўзининг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатлардаги иштирокига доир мажбуриятини турар жойни шартнома бўйича ижарага, арендага олувчига ўтказиши мумкин, бунда ҳақнинг ўз вақтида тўланиши масъулияти турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорининг зиммасида бўлади.

Кўп квартиралли уйдаги турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдори ширкатни, бошқарувчини ёки бошқарувчи ташкилотни ёхуд турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари томонидан вакил қилинган шахсни умумий мол-мулкни ва шу уйга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкасини сақлаш бўйича умумий харажатларни тўлашга доир мажбуриятлар жойни ижарага, арендага олувчига ўтказилганлиги ҳақида хабардор қилиши шарт»;

6) **134-модданинг олтинчи қисмидаги** «(ижрочи директор)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **138-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«138-модда. Уй-жой фондини бошқариш

Уй-жой фондини бошқариш уй-жой фондини, муҳандислик ускуналарини, шу уйларга туташ, ободонлаштириш элементлари бўлган ер участкаларини лозим даражада сақлашни, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашни ҳамда фуқароларнинг яшаши учун зарур шароитларни яратишга қаратилган бошқа фаолиятни ўз ичига олади.

Давлат уй-жой фондини бошқариш уй-жой фондининг мулкдори ва

бошқарувчи ёки бошқарувчи ташкилот ўртасида тузиладиган шартномага биноан амалга оширилиши мумкин.

Хусусий уй-жой фондини бошқариш бевосита турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари, ширкат, бошқарувчи ёки бошқарувчи ташкилот томонидан ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулда амалга оширилиши мумкин.

Кўп квартирали уйни бошқариш усули шу уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Кўп квартирали уй турар жойларнинг ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулкдорлари томонидан бевосита бошқарилганда шу уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш ёки уни таъмирлаш ишларини бажариш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномалари турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши қарорлари асосида тузилади. Бунда учинчи шахслар билан муносабатларда турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари номидан турар жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши томонидан вакил қилинган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларидан бири ёки бир нечтаси иш юритишга ҳақлидир.

Кўп квартирали уйни бошқариш «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ширкат ташкил этилмаган кўп квартирали уйни бошқариш бошқарувчи ёки бошқарувчи ташкилот томонидан кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари умумий йиғилишининг қарори асосида тузиладиган шартномага мувофиқ амалга оширилиши мумкин»;

8) 139-модда:

иккинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бошқарувчи ёки бошқарувчи ташкилот, бир томондан, ва уй-жой фонди мулкдори ёки ширкат, агар ширкат ташкил этилмаган бўлса, кўп квартирали уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорлари, иккинчи томондан, уй-жой фондини бошқариш шартномасининг тарафларидир»;

учинчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва олтинчи хатбошиларидаги, бешинчи ва олтинчи қисмларидаги «(ижрочи директор)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ах-

боротномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 7, 431-модда, № 10, 670, 677-моддалар; 2019 йил, № 7, 389-модда, № 8, 471-модда) **1-иловасига** қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **йигирма бешинчи хатбоши** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Истеъмол ва техник этил спирти, алкоголь маҳсулооти (бундан табиий вино мустасно) ишлаб чиқариш»;

2) **қирқ саккизинчи хатбоши** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси»;

3) қўйидаги мазмундаги **эллик саккизинчи** ва **эллик тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Тўлов тизимлари операторининг фаолияти.

Тўлов ташкилотларининг фаолияти».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «**Чиқиндилар тўғрисида**»ги 362–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 40-модда, № 10, 671-модда; 2019 йил, № 9, 591-модда) қўйидаги мазмундаги **23¹-модда** билан тўлдирилсин:

«23¹-модда. Утилизация йиғими

Экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар соғлиғини ва атроф-муҳитни фидиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида утилизация йиғими тўланади.

Утилизация йиғими:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан — фидиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаштирилганда;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган фидиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари ишлаб чиқарилганда (йиғилганда, тайёрланганда) ундирилади.

Утилизация йиғимининг микдорлари, утилизация йиғими тўланадиган фидиракли транспорт воситаларининг, ўзиюрар машиналарнинг ва улар

тиркамаларининг турлари ҳамда тоифалари, шунингдек утилизация йиғимини ундириш, қайтариш ва ундан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Гилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бажариш бўйича инфратузилмани ташкил этиш учун харажатлар утилизация йиғимидан тушган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 676-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 166-моддалар, № 8, 471-модда, № 9, 589-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **208-модданинг 24-бандидаги** «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари» деган сўзлар «уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **211¹-моддадаги** «20 фоизли» деган сўзлар «15 фоизли» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **217-моддадаги** «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари» деган сўзлар «уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **331-модданинг 18-бандидаги** «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари» деган сўзлар «уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарувчи ташкилотлар ва бошқарувчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **335-модданинг иккинчи қисмидаги** «хусусий» деган сўз чиқариб ташлансин.

9-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Риэлторлик фаолияти тўғрисида**»ги ЎРҚ–269-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 469-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) **18-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хат-**

бошисидаги «хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари» деган сўзлар «уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарувчи ташкилотлар ёки бошқарувчилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида**»ги ЎРҚ–276-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи ва учинчи қисмларидаги** «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **18-модданинг:**

учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 5 октябрда қабул қилинган «**Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида**»ги ЎРҚ–302-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 272-модда) **13-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13-модда. Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини олиб кириш ҳамда реализация қилишга доир чекловлар

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига алкоголь маҳсулотини полиэтилен, полистирол ва бошқа полимер материалдан тайёрланган полимер истеъмол идишларида олиб кириш тақиқланади, бундан пиво ва вино маҳсулотлари мустасно.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини:

йигирма ёшга тўлмаган шахсларга;

таълим, спорт муассасалари ва диний муассасалардан тўғри чизик бўйлаб икки юз метрдан кам масофада жойлашган савдо объектлари томонидан, бундан савдо объекти умумий савдо майдони минг квадрат метрдан ортиқ бўлган савдо мажмуаларининг (бозорларнинг) ва ярмарка павильонларининг ҳудудида жойлашган ҳоллар мустасно;

улар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга, қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаса;

акциз маркалари билан тамғаланмаган ҳолда (пиводан ташқари) ёки қалбаки акциз маркалари билан;

уларнинг ишлаб чиқарувчисини аниқлаш имконини берадиган тарзда аниқ тамғаланмаган бўлса;

доналаб, қутисиз (ўровсиз) ҳолда — тамаки маҳсулотига нисбатан;

уларни ишлаб чиқариш учун лицензияга эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчиси томонидан ишлаб чиқарилган бўлса;

бундай маҳсулотни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки етказиб беришни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда амалга оширган етказиб беришдан олинган бўлса, реализация қилиш мумкин эмас.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини реализация қилиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳолларда ҳам чекланиши мумкин».

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда) **171-моддасининг 8-бандидаги** «хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати аъзоларидан» деган сўзлар «кўп квартирали уйнинг жойлари мулкдорларидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 16 декабрда қабул қилинган **«Электрон тўловлар тўғрисида»**ги ЎРҚ–13-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 412-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 22 сентябрда қабул қилинган **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–223-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 9, 337-модда) **12-моддаси**.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

15-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1 ва 7-моддалари мазкур Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 2, 4, 5-моддалари, 8-моддаси 1, 3, 4, 5-бандлари, 9 ва 12-моддалари «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Ўзбекис-

тон Республикасининг Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

Ушбу Қонуннинг 6-моддаси 3-банди, 13-моддаси «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 ноябрь,
ЎРҚ-584-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

860 2020 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида*

2020 йилда фуқароларнинг расмий саналарни нишонлаш даврида тўлиқ дам олиши учун шарт-шароитлар яратиш, дам олиш ва байрам кунларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш мақсадида:

1. 2020 йилда 23 март — душанба қўшимча дам олиш куни этиб белгилансин.

2. 2020 йилда қуйидаги дам олиш кунлари кўчирилсин:

4 январь — шанба 2 январь — пайшанбага;

29 август — шанба 31 август — душанбага.

3. Белгилаб қўйилсинки:

2020 йил 2 январь пайшанба ва 2020 йил 31 август душанба куни барча ходимлар учун иш ҳафтасининг туридан қатъи назар, дам олиш кунлари ҳисобланади;

бюджет ташкилотларида ушбу Фармоннинг 1-бандида белгиланган қўшимча дам олиш куни ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлигини бир иш кунига қисқартириш ҳисобига қопланади;

ҳар йилги меҳнат таътили даврида сақланадиган ўртача ойлик иш ҳақи миқдорини ҳисоблашда меҳнат таътилининг амалдаги давомийлиги ҳисобга олинади, унга ушбу Фармонда белгиланган қўшимча дам олиш куни қўшилади;

ҳар йиллик меҳнат таътилининг давомийлиги қисқартириш ҳисобга олинган ҳолда ўн беш иш кунидан кам бўлмаслиги керак;

бюджет ташкилоти ҳисобланмаган ташкилотларда ушбу Фармоннинг 1-бандига мувофиқ қўшимча дам олиш куни меҳнат таътилига қўшимча бошқа кунлар билан бир қаторда молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, жамоа шартномалари ёки иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси кўмиталари билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал норматив ҳужжатларда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, «Uzbekistan Airways» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент ша-

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

ҳар ҳокимликлари билан биргаликда байрам (ишланмайдиган) кунларнинг узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, республика аҳолиси учун ички туризм ва фаол дам олиш йўналишларини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари учун чегирмалар берилишини ҳамда акциялар ўтказилишини ташкил этсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

аҳолининг узайтирилган байрам (ишланмайдиган) кунларида мароқли ва фойдали дам олишини ташкил этиш бўйича тизимли чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда байрам кунлари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида аҳолини кенг хабардор қилишни таъминласин.

6. Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:

меҳнат жамоалари ўртасида ушбу Фармоннинг мақсади, мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

узайтирилган байрам кунларида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг мароқли дам олишини таъминлаш юзасидан касаба уюшмалари ташкилотларининг ишини фаоллаштириш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 ноябрь,
ПФ-5875-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**861 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қарши насос станциялари каскади ишончлилиги ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Қарши насос станциялари каскадини мукамал тиклаш-таъмирлаш (III Фаза)» лойиҳасини амалга оширишда биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–2977-сон қарорида:

1-банднинг «в» кичик бандидаги «2019» рақами «2023» рақами билан алмаштирилсин;

2-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

7-банднинг иккинчи хатбошисидаги «2018 йилнинг 1 мартигача» сўзлари «2020 йилнинг 1 июлигача» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 февралдаги «Қарши насос станциялари каскадини капитал-қайта тиклаш (III Фаза)» лойиҳасини амалга оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4170-сон қарори 2-илоvasи 1-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 ноябрь,
ПҚ–4515-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**862** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3286-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Дарё ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш ишларини бажаришда хавфсизлик қондаларини таъминлаш ва мазкур участкаларда қазиб олиш ишлари устидан ягона давлат назоратини ўрнатиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3286-сон қарори 1-бандида:

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«дарёлар ўзанлари ва қирғоқбўйи минтақаларида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш (қум-шағал материалларини қазиб олиш бундан мустасно) тасдиқланган захиралар мавжудлиги ва сув режимига салбий таъсирга йўл қўймаслик шarti билан норуда фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш фақат уларни тозалаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси томонидан белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этилган тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан амалга оширилади»;

саккизинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

тадбиркорлик субъектлари томонидан дарёлар ўзанларида қум-шағал материалларини қазиб олиш учун олинган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган лицензияларнинг амал қилиши уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар кучда бўлади (ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тугатиш ҳолатлари бундан мустасно), ушбу муддатни узайтириш ёхуд лицензияларнинг қайта расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди;

дарё ўзанларида ва қирғоқбўйи минтақаларидаги истиқболли участкаларда геологик ўрганиш учун 2019 йил 1 июль кунига қадар лицензиялар олган тадбиркорлик субъектларига, истисно тариқасида, «Хавфсиз дарё» давлат унитар корхонаси билан қум-шағал материалларини қазиб олиш юзасидан тўғридан-тўғри шартнома тузишга рухсат берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 12 ноябрь,
ПҚ-4518-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

863 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгашини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этиш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 августдаги «Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шерикликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3900-сон қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш) тузилсин.

2. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

илғор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларга рақобатбардош экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхо-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

наларни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашиш;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий компаниялар, банклар, инвестиция ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, республикада қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини сақлаб туришни таъминлаш;

давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга қаратилган самарали таклифларни ишлаб чиқиш;

экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга, савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини изчил ривожлантиришга, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шароитлар яратишга, самарали транспорт йўлаклари, замонавий логистика занжирини шакллантиришга кўмаклашиш;

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлашнинг босқичма-босқич чораларини кўриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш жараёнларига ижобий хорижий тажрибани жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро имиджини, халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланади;

Кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, шу жумладан Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг раҳбарлари ва вакиллари, шунингдек, бошқа иштирокчилар орасидан белгиланган тартибда шакллантирилади;

Кенгаш ўз фаолиятини оралиқ ва ялпи мажлислар шаклида юритади. Кенгаш ялпи мажлислари йилда бир марта, оралиқ мажлислари — йилида камида икки марта ўтказилади;

Кенгашнинг ялпи мажлисларини ўтказиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан, оралиқ мажлисларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар эса Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

Кенгаш аъзоларининг мажлисларга келиш ва уларда иштирок этиш билан боғлиқ харажатлари Кенгаш аъзоларининг ўз маблағлари ҳисобидан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг Ўзбекистон томони таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этиладиган Кенгаш аъзолари, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 ноябрь,
ПҚ-4519-сон

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 13 ноябрдаги
ПҚ-4519-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Хорижий инвесторлар кенгаши тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг (кейинги ўринларда — Кенгаш) фаолиятини ташкил этиш, унинг мақсадлари, вазифалари, функциялари ва ҳуқуқларини белгилайди.

2. Кенгаш юридик шахс мақомига эга бўлмаган маслаҳат органи ҳисобланади ва унга Раис — Ўзбекистон Республикаси Президенти раислик қилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

4. Кенгаш давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва Ўзбекистон Республикасида инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини юритувчи инвесторларнинг, шу жумладан хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ/ХХМТ) ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни шакллантирадиган, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамкорлигида Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан мувофиқлаштириладиган институционал платформа ҳисобланади.

5. Кенгаш ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасидаги давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, экспертлар ҳамжамиятлари ва бошқа тузилмалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

6. Кенгаш таркиби ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган органлар, ташкилотлар ва бошқа тузилмалар вакиллари орасидан тасдиқланади. Шу билан бирга, Кенгашнинг таркибига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, вазирлик ва идоралари раҳбарлари киради.

2-боб. Кенгашнинг асосий вазифалари

7. Қуйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

илғор жаҳон тажрибаси ва амалиётларига таянган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига мамлакатни инвестициявий, саноат-технологик ва инновацион ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари бўйича маслаҳатлар бериш;

қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда, маҳаллий ҳамда хорижий тадбиркорларни иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ҳудудларга рақобатбардош экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи замонавий корхоналарни ташкил этиш мақсадида сармоя киритишларини рағбатлантиришнинг самарали механизмларини шакллантиришда бевосита иштирок этиш, шунингдек, инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга ва ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашиш;

давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий компаниялар, банклар, инвестиция ва бошқа тузилмалар, халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш;

инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторларнинг, шу жумладан хорижий инвесторларнинг фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, республикада қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини сақлаб туришни таъминлаш;

давлат органлари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритувчи халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий компаниялар, банклар, инвестициявий ва бошқа тузилмаларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан инвестиция жараёнларига тўсқинлик қилувчи омилларни бартараф этишга қаратилган самарали таклифларни ишлаб чиқиш;

экспортни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга, савдо инфратузилмасини, электрон тижорат тизимини изчил ривожлантиришга, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорларга олиб чиқиш учун қулай шароитлар яратишга, самарали транспорт йўлаклари, замонавий логистика занжирини шакллантиришга кўмаклашиш;

маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш, маҳаллий маҳсулотларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқлигини таъминлашнинг босқичма-босқич чораларини кўриш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлаш чораларини амалга ошириш жараёнларига ижобий хорижий тажрибани жорий этиш;

Ўзбекистон Республикасида инвестициявий фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро имиджини, халқаро рейтинг ва

индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича устувор йўналишларни аниқлаш ва самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

3-боб. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш

8. Кенгаш фаолиятини ташкил этиш ушбу Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

9. Кенгаш фаолияти қўйидаги тузилмалар доирасида амалга оширилади: ялпи мажлис — Кенгашнинг асосий бошқарув органи; оралиқ мажлис — Кенгашнинг ёрдамчи бошқарув органи; ижроия қўмитаси — Кенгашнинг ижро органи; ишчи гуруҳлар — Кенгаш фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун маслаҳатлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича асосий тузилма; Котибият — Кенгашнинг ишчи органи.

10. Кенгаш ишида иштирок этиш учун юридик ёки жисмоний шахс ушбу Низомнинг 11-бандида кўзда тутилган асосий (техник) мезонларнинг камида битта ва 12-бандида кўрсатилган қўшимча (сифат) мезонларнинг камида иккитасига мос келиши шарт.

11. Асосий (техник) талаблардан бирини қондириш учун:

а) юридик шахс:

хорижий корхона;

30 фоиздан кўп хорижий сармоёга эга қўшма корхона;

хорижий корхонанинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси ёки шўъбаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асосан чет эл инвесторларига консалтинг хизматларини кўрсатувчи, ходимлар сони 15 тадан кам бўлмаган корхона;

ўз фаолияти орқали халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшадиган ва Кенгашнинг мақсадларини қабул қиладиган ХМИ/ХХМТ, хорижий бирлашма, ваколатхона ёки ўқув муассасаси бўлиши лозим;

б) жисмоний шахс (жамоат арбоби, олим, дипломат ва бошқалар) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини кўпайтириш ва умуман мамлакатни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин.

12. Қўшимча (сифат) талабларни қондириш учун юридик ёки жисмоний шахс:

катта тажриба ва юқори тадбиркорлик мавқеига эга бўлиши;

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун муҳим бўлган фаолиятни амалга ошириши;

фаол инвестиция фаолиятини, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб бориши ва фаолиятини стратегик кенгайтиришга тайёр бўлиши;

Ўзбекистон Республикасининг ижобий инвестиция имиджини чет элда тарғиб қилишда фаол иштирок этиши;

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Кенгаш ишчи гуруҳи фаолиятида фаол иштирок этиши лозим.

13. Кенгаш иштирокчилари, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ходимларидан ташқари ушбу Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ Кенгаш ижроия қўмитасига ариза тақдим этишлари шарт. Аризалар Ижроия қўмитасининг ҳар бир иштирокчисига алоҳида юборилиши керак. Аризалар 15 календарь куни ичида кўриб чиқилади.

14. Берилган аризалар асосида Кенгаш ижроия қўмитаси Кенгаш таркибига киритиш учун номзодларнинг дастлабки рўйхатини шакллантиради ва Кенгаш Раисига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

Берилган аризалар асосида Кенгашнинг потенциал иштирокчиларини танлашда Кенгаш ижроия қўмитаси кенг вакиллик тамойилига амал қиладика, бунда ҳар бир стратегик соҳа ва инвестициялар келиб чиққан мамлакат бир ёки бир нечта иштирокчи вакил орқали акс эттирилиши таъминланади. Кенгаш ишида қатнашувчилар ўз компаниялари ёки шахсий манфаатларини эмас, балки бутун соҳа ва инвесторларнинг кенг ҳамжамияти манфаатларини ҳисобга олишлари керак.

15. Кенгаш иштирокчиларининг якуний таркиби Кенгаш ижроия қўмитасининг тақдимномасига биноан Кенгаш Раиси томонидан тасдиқланади.

16. Кенгашнинг биринчи ялпи ёки оралиқ мажлисидан икки йил ўтгач, Кенгаш ижроия қўмитаси янги аъзоларни киритиш зарурати, шунингдек, мавжуд иштирокчиларнинг фаолияти натижалари ва уларнинг Кенгаш иши самарадорлигига қўшган ҳиссасини инобатга олган ҳолда, ҳар икки йилда бир марта Кенгаш иштирокчиларининг ротация схемасини тасдиқлаш учун Кенгаш Раисига тақдим этиши мумкин.

Кенгашнинг хорижий иштирокчилари Кенгаш ижроия қўмитасига ва Кенгаш Котибиятига ёзма хабар бериш орқали Кенгаш таркибидан чиқишлари мумкин.

17. Кенгашнинг ялпи ва оралиқ мажлисларига Кенгаш иштирокчилари ҳисобланмайдиган давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий компаниялар ва бизнес уюшмалар, ХМИ/ХХМТ, хорижий компаниялар, банклар, бизнес уюшмалар ва бошқа тузилмаларнинг вакиллари таклиф этилиши мумкин.

18. Кенгашнинг ялпи ва оралиқ мажлислари натижалари қабул қилинган қарорлар ва тавсиялар рўйхатини ўз ичига олган баённомалар шаклида расмийлаштирилади.

19. Кенгаш Раиси раислик қиладиган Кенгашнинг ялпи мажлиси йилида бир марта ўтказилади.

20. Кенгашнинг оралиқ мажлислари ҳар йили камида икки марта, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири бошчилигида Кенгашнинг ялпи мажлиси ўртасида ўтказилади.

21. Кенгашнинг ялпи ва оралиқ мажлисларида Кенгаш иштирокчилари Кенгаш Котибияти томонидан Кенгаш иштирокчиларининг таклифлари асосида тайёрланган кун тартибидаги масалаларни муҳокама қиладилар. Ҳар

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бир ялпи ва оралиқ мажлисда олдинги мажлис қарорларининг бажарилиши натижаларини кўриб чиқиш мажбурий ҳисобланади. Тегишли мажлисдан олдин кун тартиби Кенгаш ижроия қўмитаси ва тегишли мажлис раиси билан келишилади.

22. Кун тартибидаги масалалар тегишли ҳуқуқий ёки иқтисодий таҳлил (тадқиқотлар, баҳолар), шунингдек, ислохотлар концепциялари ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўринишидаги қарорлар (тавсиялар) билан бирга шакллантирилади.

23. Кенгашнинг оралиқ мажлиси Кенгашнинг ялпи мажлиси билан бир қаторда мустақил равишда қарорлар қабул қилиш ваколатларига эга, шу билан бирга ялпи мажлислар ишида устувор стратегик масалалар кўриб чиқилади, мазкур жараёнда Кенгаш иштирокчилари бўлган инвесторларнинг дунё (глобал) миқёсидаги вакилларининг иштироки фойдали бўлади.

24. Кенгашнинг ижроия қўмитаси:

Кенгаш Котибияти ва Раиси ўртасидаги, шу жумладан Кенгашнинг ялпи ва оралиқ мажлислари орасида асосий боғловчи бўгин ҳисобланади;

Кенгаш ишини умумий мувофиқлаштиради ва ташкилий-амалий томондан қўллаб-қувватлайди;

Котибият ишини йўналтиради, Котибият ва Кенгаш иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда ёрдам беради;

Кенгаш Раиси кўриб чиқиши учун Кенгаш иштирокчилари таркиби бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва мазкур иштирокчиларнинг ушбу Низомнинг 11- ва 12-бандларида кўрсатилган мезонларга мувофиқлиги тўғрисида фикр билдиради.

25. Кенгашнинг ижроия қўмитаси таркибига қуйидагилар киради:

Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири (вазир бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалаларига масъул биринчи ўринбосари) — Кенгашнинг ижроия қўмитаси раҳбари;

Европа тараққиёт ва тикланиш банкнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси раҳбари;

Кенгаш Котибиятининг раҳбари.

26. Кенгашнинг ижроия қўмитаси ўз фаолияти давомида қарор қабул қилиш жараёнида келишувга (консенсус) эришишга ҳаракат қилиши лозим.

27. Кенгаш иштирокчилари томонидан ялпи ва оралиқ мажлисларга тақдим этилган масалалар бўйича ўрганиш ва тадқиқотлар ўтказиш, таҳлилий материаллар, таклиф ва тавсиялар тайёрлаш, фикр ва баҳоларни умумлаштириш, шунингдек, Кенгашнинг бошқа вазифаларини амалга ошириш учун унинг хузурида ишчи гуруҳлар ташкил этилади.

28. Кенгашнинг ишчи гуруҳлари таркибига Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий компаниялар ва бизнес уюшмалари, ХМИ/ХХМТ, хорижий компаниялар, банклар, бизнес уюшмалари ва бошқа тузилмалар вакиллари киради.

Ҳар бир ишчи гуруҳ таркибига Кенгаш Котибиятининг битта ходими

киради, улар эксперт ёрдамидан ташқари тегишли ишчи гуруҳ фаолиятини ташкилий ва амалий қўллаб-қувватлайди. Кенгаш ишчи гуруҳларининг таркиби Кенгаш иштирокчиларининг таклифлари асосида тузилади ва Кенгаш ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

29. Кенгаш Котибияти — Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхонаси кўмагида ташкил этиладиган, Кенгашнинг кундалик фаолиятини техник қўллаб-қувватлаш учун жавобгар ташкилий орган ҳисобланади. Кенгаш Котибиятида штатлар жадвали 6 та лавозимдан (раҳбар ва 5 ходим) иборат бўлиб, Кенгаш ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Ижроия қўмита Кенгаш Котибиятининг штат жадвалига бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми ва мавжуд молиялаштиришини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиши мумкин.

30. Кенгаш Котибиятининг раҳбарлари ва ходимлари Кенгаш ижроия қўмитаси назорати остида тегишли молиялаштириш манбалари билан боғлиқ бўлган қоидаларга мувофиқ очиқ танлов асосида танланади.

31. Кенгаш Котибиятининг фаолияти, шу жумладан жойлашиши, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Кенгаш Котибияти учун хоналар тегишли молиялаштириш манбаси билан боғлиқ қоидаларга мувофиқ танланади.

32. Зарур бўлганда, Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан Котибиятга юклатилган вазифаларни бажариш учун қўшимча мутахассислар жалб этиш ҳуқуқига эга.

33. Кенгаш Котибияти қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Кенгаш фаолияти доирасидаги устувор масалаларни аниқлаш ва ҳал қилиш учун доимий равишда Кенгаш иштирокчилари ва инвесторларнинг кенг доираси, айниқса чет эл инвесторлари билан мунтазам маслаҳатлашади;

Кенгашнинг ялпи ва оралиқ мажлислари, ишчи гуруҳлари ва Кенгашнинг бошқа тадбирлари ишини ташкиллаштиради ва зарур бўлганда Кенгашнинг ижроия қўмитасини олдиндан хабардор қилган ҳолда, Кенгаш фаолиятида иштирок этиш учун учинчи томонларни таклиф қилади;

Кенгаш ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда ва Кенгаш иштирокчилари, шунингдек, инвесторларнинг кенг жамияти томонидан тақдим этилган таклифлар асосида Кенгаш иштирокчиларига Кенгашнинг навбатдаги ялпи ёки оралиқ мажлиси кун тартибини тасдиқлаш учун таклиф қилади, шунингдек, Кенгаш иштирокчилари ва мажлисларда иштирок этадиган бошқа шахсларга кун тартибидаги масалалар бўйича материалларни Кенгашнинг тегишли ялпи ёки оралиқ мажлисидан камида 10 кун олдин жўнатади;

Кенгаш ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда Кенгаш ишчи гуруҳларининг шакллантирилиши ва уларнинг фаолият юритишига кўмаклашади,

Кенгашнинг ялпи ёки оралиқ мажлисларида муҳокама қилиш учун тақдим этилиши лозим бўлган масалалар ва тавсиялар тўлиқ ишлаб чиқилишини таъминлаш учун тегишли тадқиқотлар, баҳолар ва шарҳлар ўтказилади;

Кенгашнинг Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органлари ва ташкилотлари билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалалар бўйича маҳаллий ва хорижий компаниялар вакиллари билан маслаҳатлашувларни ташкил этади;

Кенгаш Котибиятига тақдим этилган айрим қонунчилик ва бошқа норматив-ҳуқуқий ташаббусларни муҳокама қилиш ва таҳлил қилишда қўмақлашади, Кенгашнинг кейинги мажлислари кун тартиби учун олинган тегишли таклифлар тўғрисида Кенгашга маълумот киритади;

Кенгашнинг обрўсини ошириш мақсадида кенг ишбилармон доиралари, миллий ва халқаро шериклар билан Кенгаш фаолиятини мувофиқлаштиради;

Кенгашнинг тегишли ялпи ёки оралиқ мажлислари баёнларини тайёрлайди ва улар ўтказилганидан сўнг 5 кун муддат ичида тасдиқлаш учун Кенгаш иштирокчиларига юборади;

ҳар ойда Кенгашнинг ялпи ёки оралиқ мажлисларида қабул қилинган қарорлар (тавсиялар) нинг бажарилишини мониторинг қилади ва Кенгаш иштирокчиларини, шунингдек бошқа манфаатдор томонларни қарорларни (тавсияларни) бажаришда эришилган натижалар тўғрисида хабардор қилади;

Кенгашнинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликни, шу жумладан Кенгашнинг ялпи ёки оралиқ мажлислари кун тартиби ва баённомалари, шунингдек, Кенгаш фаолияти тўғрисидаги бошқа материалларни Инвестиция портали ва бошқа майдончаларга жойлаштириш орқали хабардор қилади;

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган бизнес ҳамжамияти, бизнес уюшмалари, донорлар, халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳукуматлар ва бошқа миллий ёки халқаро ташкилотлар вакиллари билан фаол алоқаларни йўлга қўяди;

хорижий инвесторларнинг бошқа институтлари (кенгашлари) билан ҳамкорлик қилади, илғор халқаро тажрибалар билан алмашади;

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва ўзгаришлар тўғрисида даврий нашрларни ишлаб чиқади ва тарқатади;

Кенгаш фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида бошқа функцияларни амалга оширади.

4-боб. Яқуний қоида

34. Кенгашни тугатиш Кенгаш Раисининг қарори билан амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**864** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2019 йил 19 апрель куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Корея Республикаси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдириш-номани Корея Республикасига юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 ноябрь,
ПҚ-4520-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**865 Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Макроиктисодий барқарорликни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Давлат дастурларида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2019 йил 19 июлда Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (кейинги ўринларда — ХТТБ) ўртасида бюджетни қўллаб-қувватлаш учун 5 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, сўндириш муддати 30 йил бўлган 500,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Қарз битими имзоланганлиги;

ХТТБ томонидан ажратиладиган қарз Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жаҳон банки иштирокида «Ўзбекистонда бозор ислохотларини қўллаб-қувватлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш ҳамда қарз бўйича фоизлар ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ХТТБ томонидан ажратиладиган қарздан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги лойиҳани амалга ошириш агентлари ҳисобланади;

ХТТБ томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш, шунингдек қарз бўйича фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

каси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 ноябрь,
ПҚ-4521-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

866 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-5*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 сентябрдаги ПҚ–4461-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2920, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 ноябрда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Х. Мелиев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 11 ноябрь,
508-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 11 ноябрдаги
508-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мазкур Низом талаблари» деган сўзлар «Мазкур Низом талабларининг аттестация қисми бўйича амал қилиши» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибияти мудир, шунингдек, мазкур Котибиятнинг юридик маълумотга эга бўлган ходимларига нисбатан татбиқ этилмайди.»

2. 3-банднинг «г» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ва унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизмати раҳбарлари ва ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш

ва мувофиқлаштириш котибияти мудири, шунингдек мазкур Котибиятнинг юридик маълумотга эга бўлган ходимларига;».

3. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ўринбосари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили девонининг бошқарув ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари раҳбар ва ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибиятининг мудири ва юридик маълумотга эга бўлган ходимларига мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомда ҳамда мазкур Низомда белгиланган тартибда берилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

867 Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196*

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Бош прокурор

Н. ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
52-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 ноябрда эълон қилинган.

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
82-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
27-сон

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги
ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил
23 октябрдаги 52, 82, 27-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки
ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга
кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон
Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш
юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги
ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг
ҳамкорлиги тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунининг 42¹-моддасига мувофиқ суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини (бундан буён матнда ижро ҳужжати деб юритилади) узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг (бундан буён матнда қарздор деб юритилади) Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (бундан буён матнда Мажбурий ижро бюроси деб юритилади), Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари (бундан буён матнда Чегара қўшинлари деб юритилади) билан ҳамкорлигини ташкил этиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён матнда

Қонун деб юритилади) мувофиқ қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш (бундан буён матнда қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш деб юритилади) мазкур Низомда белгиланган тартибда қўлланиладиган мажбурий ижро этиш чораларидан бири ҳисобланади.

Мазкур Низом талаблари эксклав ҳудудларда доимий яшовчи фуқароларнинг доимий яшаш жойидан Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳудудига ўтишларида ва қайтишларида қўлланилмайди.

2. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш ижро ҳужжати талаблари қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра белгиланган муддатда ижро этилмаган ҳолларда қўлланилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қароридан қарздор томонидан ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун белгиланган муддатда узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаган тақдирда унга нисбатан мажбурий ижро ҳаракатлари қўлланилиши, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чекланишини кўрсатади.

3. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кунда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ошмайдиган миқдорда сумма ундиришни назарда тутувчи ижро иши бўйича (алимент ёки бошқа даврий тўловларни ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бундан мустасно), шунингдек суд қарорини ижро этиш учун етарли мол-мулк олиб қўйилган тақдирда;

қарздор сифатида юридик шахс иштирок этган ижро ҳужжати бўйича.

4. Давлат ижрочиси қарорининг ижроси ички ишлар органлари ва Чегара қўшинлари томонидан муҳокама қилинишига, тўхтатилишига ёки бошқача тарзда тўсқинлик қилинишига йўл қўйилмайди, суд тартибида ёхуд шикоят ёки протест келтириш бундан мустасно.

Ижро иши юритилиши Қонунда белгиланган ҳолларда суд ёки давлат ижрочиси томонидан тўхтатиб турилиши мумкин.

2-боб. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни жорий этиш

5. Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар ихтиёрий равишда бажариш учун белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

6. Ижро ҳужжатидаги талабларни қарздор томонидан ижро этиш муд-

дати ижро иши юритиш қўзғатилган кундан ўн беш кундан ошиб кетмайдиган ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда давлат ижрочиси томонидан белгиланади.

7. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги ариза ундирувчи ёки унинг вакили томонидан давлат ижрочисига тақдим қилинади. Ушбу ариза қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашнинг асослантирилган сабабини ўз ичига олган бўлиши лозим.

Давлат ижрочиси қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни қўллаш тўғрисидаги ундирувчининг аризасини кўриб чиқиб махсус электрон тизим орқали қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризани қаноатлантиришни рад қилади ва ундирувчига ёхуд унинг вакилига ёзма ёки электрон шаклда асослантирилган жавоб юборади.

8. Давлат ижрочисининг қарздор чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори катта давлат ижрочиси томонидан махсус электрон тизим орқали электрон шаклда тасдиқланади.

9. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарор тасдиқлангандан сўнг чеклов қўйилганлиги тўғрисидаги маълумот Ягона идораларaro электрон ҳамкорлик тизими (бундан кейин матнда Ягона электрон ҳамкорлик тизими деб юритилади) орқали автоматик тарзда Ўзбекистон Республикасидан Ички ишлар вазирлигининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига (бундан буён матнда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси деб юритилади) ҳамда Чегара қўшинларига юборилади.

Қарздорга нисбатан чеклов қўйилгани тўғрисидаги маълумотда кўрсатиладиган ахборот томонлар ўртасидаги келишув ва техник йўриқномага асосан белгиланади.

10. Ижро ҳужжатларида қарздор ёки ундирувчининг (агар қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш ундирувчининг аризасига биноан қўлланилган бўлса) электрон почтаси ёки телефон (мобиль) рақами ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда, қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги хабарнома унинг жўнатилганлиги ва қабул қилиниб олинганлиги фактини қайд этиш имконини берувчи махсус автоматлаштирилган тизимдан фойдаланган ҳолда электрон почтага ёки мобиль алоқа воситалари орқали қисқа хабар (SMS) кўринишида йўлланади.

Қарздор ёки ундирувчи электрон почтаси ёки телефон (мобиль) рақамига қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги хабарномани электрон шаклда ёки қисқа хабар (SMS) кўринишида юбориш имкони бўлмаган тақдирда, давлат ижрочиси томонидан қарор чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмасдан қарорнинг кўчирма нусхалари яшаш манзили бўйича почта орқали қарздорга ва ундирувчига (агар қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш ундирувчининг аризасига биноан қўлланилган бўлса) юборилади.

11. Агар қарздор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, чеклов қўйилганлиги тўғрисидаги маълумот, кейинчалик тегишли органга маълумот бериш учун Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали автома-

тик тарзда давлат ижрочиси томонидан фақат Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига юборилади.

12. Чеклов қўйилгани тўғрисидаги маълумот қабул қилинганлиги ҳақидаги электрон хабарнома Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва Чегара қўшинлари томонидан Мажбурий ижро бюросига Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали юборилади.

Қабул қилинган чеклов Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва Чегара қўшинлари томонидан шу вақтнинг ўзида ўзининг идоравий электрон базасига киритилади.

13. Техник носозликлар, шунингдек вақтинча электрон хужжат алмашинуви имкони бўлмаган ҳолатларда ушбу Низомнинг 9 ва 11-бандларида назарда тутилган маълумотлар факс ёки хужжатли маълумотни тезкор жўнатиш имконини берадиган бошқа алоқа воситалари орқали юборилиши мумкин.

14. Ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (бошқармалари) ҳамда Чегара қўшинлари бўлинмалари суд ёки давлат ижрочиси томонидан қарздорга нисбатан қўлланилган вақтинча чеклаш олиб ташланмагунга қадар қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига йўл қўймасликка мажбурдирлар.

Ички ишлар органларининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари (бошқармалари) ҳамда Чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқиши чекланган қарздор аниқланган тақдирда, унга Мажбурий ижро бюросининг қайси туман (шаҳар) бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикасидан чиқиши чеклангани тўғрисида маълумот берилади ва тўлиқ ахборотни Мажбурий ижро бюросининг расмий веб-сайтидан (www.mib.uz) олиши мумкинлиги тушунтирилади.

3-боб. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни олиб ташлаш

15. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро хужжати талаблари ижро этилганда ёхуд Қонунда белгиланган асосларга кўра ижро хужжати тугатилганда, тамомланганда ёки алиментларни олдиндан тўлаш ҳамда алиментларни тўлаш мажбурияти гаров билан таъминланганда, шунингдек қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги давлат ижрочисининг қарори бекор қилинганда давлат ижрочиси:

махсус электрон тизим орқали қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйилган вақтинча чекловни олиб ташлайди;

қарздорни ва ундирувчини ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган тартибда хабардор қилади.

16. Махсус электрон тизимдан қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйилган вақтинча чеклов олиб ташланганда чеклов олиб ташлангани тўғрисидаги маълумот Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали автоматик тарзда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига ҳамда Чегара қўшинларига юборилади.

Техник носозликлар, шунингдек вақтинча электрон ҳужжат алмашиш имкони бўлмаган бошқа ҳолатларда чеклов олиб ташлангани тўғрисидаги маълумот шу вақтнинг ўзида факс ёки ҳужжатли маълумотни тезкор жўнатиш имконини берадиган бошқа алоқа воситалари орқали юборилади.

17. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжати талаблари электрон тўлов тизимлари орқали ижро этилганда Мажбурий ижро бюроси томонидан:

қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишига қўйилган вақтинча чеклов Ижро ҳужжатларининг ягона электрон базасидан автоматик тарзда олиб ташланади;

чеклов олиб ташлангани тўғрисидаги маълумот Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали автоматик тарзда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига ҳамда Чегара қўшинларига юборилади.

18. Ягона электрон ҳамкорлик тизими орқали Мажбурий ижро бюросидан чеклов олиб ташлангани тўғрисидаги маълумот келиб тушган тақдирда Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ва Чегара қўшинлари томонидан шу вақтнинг ўзида қарздорнинг чиқишига вақтинча чеклов олиб ташланади.

19. Давлат ижрочиси қўйидаги ҳолларда қарздорнинг илтимосномасига асосан қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни ҳаракатдан тўхтатиб туриши лозим:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида касалхонага ётқизишни талаб қиладиган қарздорнинг соғлиғини тиклаш заруриятини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарздори Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетувчи расмий делегация таркибига киритиш ҳақидаги қарори мавжуд бўлганда.

Бунда, қарздорнинг чиқишига вақтинча чекловни тўхтатиб туриш тўғрисида давлат ижрочиси қарор қабул қилади ва катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади ва ушбу Низомнинг 15-бандида кўрсатилган тартибда чеклов олиб ташланади.

20. Қарздорнинг чиқишига вақтинча чекловни олиб ташлашга қўйидагилар асос бўлмайди:

давлат ижрочиси ва суд томонидан ижро иши юритиш тўхтатиб турилганлиги, давлат ижрочисининг қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги қарори суд томонидан тўхтатиб турилган ҳоллар бундан мустасно; алимент қарзининг жорий кун ҳолатига тўлаганлиги;

ижро иши юритиш Қонуннинг 25-моддасига асосан бошқа давлат ижрочисига юборилганлиги.

21. Мажбурий ижро бюроси, Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси ҳамда Чегара қўшинлари томонидан қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашлар ҳисоби бўйича электрон маълумотлар базаси юритилади.

22. Чиқиши вақтинча чекланган қарздор томонидан ижро ҳужжати

талаблари беш йил давомида бажарилмаса (алимент бўйича қарздорлик бундан мустасно), Мажбурий ижро бюроси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармасига ва Чегара қўшинларига чеклов мавжудлиги тўғрисидаги янгиланган маълумотни юборади.

4-боб. Яқуний қоидалар

23. Қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисидаги, қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни тўхтатиш тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг чиқишини вақтинча чеклашни рад қилиш тўғрисидаги давлат ижро-чисининг қарори устидан Мажбурий ижро бюросининг юқори турувчи органига ёки судга шикоят қилиниши ёхуд протест келтирилиши мумкин.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги
ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил
23 октябрдаги 52, 82, 27-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2009 йил 20 августдаги 9, 11, 76-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1997, 2009 йил 25 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2009 й., 35-сон, 389-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг 2015 йил 11 августдаги 1, 25, 81-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товлаётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1997-1, 2015 йил 11 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2015 й., 32-сон, 434-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

868 Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон «Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **бюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 28 октябрдаги 63-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2046, 2009 йил 24 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 48-сон, 515-модда) билан тасдиқланган Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
42-2019-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги
42-2019-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Муқаддима қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ штамплаш ишлаб чиқаришида меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

4. 35-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 37-банддаги «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь)» деган сўзлар «Ходимларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 84-банддаги «Давлат санитар назорати органлари» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиология осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 94-банднинг иккинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назоратининг марказлари» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиология осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

869 Халқ бадий хунармандчилиги ва совғалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2186-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 204-Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2186, 2011 йил 28 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 4-5-сон, 39-модда) билан тасдиқланган Халқ бадий хунармандчилиги ва совғалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 октябрь,
41-2019-Б-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги
41-2019-Б-сон буйруғига
ИЛОВА

**Халқ бадий ҳунармандчилиги ва совғалар ишлаб чиқариш
корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш
қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сон «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги ва 2010 йил 20 июлдаги 153-сон «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ халқ бадий ҳунармандчилиги ва совғалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.»

2. 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади.

Ходимларининг сони эллик нафардан кам бўлган ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассис лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарор иш берувчи томонидан мазкур ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.»

3. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини юритиш Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сон қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.»

4. 31-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Ташкилотларда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Хо-

димларни тиббий кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2387, 2012 йил 29 август) асосида амалга оширилиши лозим.».

6. 68-банддаги «худудий санитария-эпидемиология маркази» деган сўзлар «худудий санитария-эпидемиология осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

870 Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5814-сон «Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4159-сон «Соғлиқни сақлаш тизими ислохотларига илғор хорижий тажрибани жорий этишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 21 январдаги 14-сон «Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон буйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 13 ноябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 31 октябрь,
95-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил
31 октябрдаги 95-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан
ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддима «Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги ва «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлари» деган сўзлардан кейин «, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фан тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 7-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув ходимлари умумий гигиена ва эпидемиология» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув ходимлари умумий гигиена мутахассислиги бўйича, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий марказлари раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ҳамда бошқарув ходимлари эпидемиология» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 9-бандда:

иккинчи хатбошидаги «камида икки йилдан кейин» деган сўзлар «камида бир йилдан кейин» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйдаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тиббиёт муассасаларида бевосита диагностика ва даволаш-профилактика фаолияти билан шуғулланаётган илмий даражаси мавжуд бўлган, шунингдек мазкур Низомнинг 4 — 6-бандларига мувофиқ иш стажига, юқори назарий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган мутахассисларга истисно тариқасида, бир поғона юқори малака тоифаси берилади.».

4. 13-бандда:

биринчи хатбошидаги «Республика санитария-эпидемиология назорати маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «худудий санитария-эпидемиология назорати маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Санитария-эпидемиология назорати давлат инспекциясининг худудий бошқармалари ва худудий Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 22-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низомнинг 1-боби талабларига мувофиқ тегишли малака тоифасини олиш ҳуқуқига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-иловасида белгиланган кредитлар ҳажмини тўплаган ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ малака оширган талабгорлар малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказувчи тегишли органга ариза билан мурожаат қилади.»

6. 24 ва 35-бандлардаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 25-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«талабгор мазкур Низомнинг 1-боби талабларига мувофиқ, тегишли малака тоифасини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-иловасида белгиланган кредитлар ҳажмини тўпламаган ёки Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон қарори билан тасдиқланган Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ малака оширмаган тақдирда;».

8. 36-банддаги «тегишли босқич ўтказилган кундан бошлаб бир йил» деган сўзлар «аттестация ўтказилган кундан бошлаб тўққиз ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

2019 йил 28 октябрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2019 йил 28 октябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Қ. РАФИҚОВ

2019 йил 28 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

871 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2689-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 13 ноябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озик-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни (рўйхат рақами 2689, 2015 йил 23 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2019 йил 11 ноябрдаги 06-06/2-3234-сон, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 7 ноябрдаги 84-04-2375-сон, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санита-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 ноябрда эълон қилинган.

рия-эпидемиологик осойишталик агентлигининг 2019 йил 1 ноябрдаги 09-8/1316-сон хатлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 10 июндаги 16-мх-сон, 26 қ/қ-сон, 31-сон «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озиқ-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2689, 2015 йил 23 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-ради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 ноябрь,
513-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

872 Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 14 ноябрдаги 145, 45-сон қарори (рўйхат рақами 3101, 2018 йил 15 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 51-сон, 980-модда) билан тасдиқланган Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
105-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 ноябрда эълон қилинган.

**Бош прокуратура хузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
26-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Бош прокуратураси
хузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаментининг 2019 йил
16 октябрдаги 105, 26-сон қарорига
ИЛОВА

**Аудиторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни
молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Муқаддимадаги, 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 8-бандидаги, 13-банднинг учинчи хатбошисидаги, 23-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 46, 59-бандлардаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-банднинг учинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 6-банднинг иккинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«Мазкур Қоидаларнинг 1-иловасига мувофиқ аудиторлик ташкилоти ўзининг масъул ходими ва мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар йили 10 январига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига почта алоқа воситалари ёки электрон шаклда юборди.».

4. Қуйидаги мазмундаги 6¹-банд билан тўлдирилсин:

«6¹. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги махсус ваколатли давлат органига аудиторлик ташкилотларидаги масъул ходимлар ва мазкур Қоидалар талабларининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотни ҳар йили 20 январдан кечиктирмасдан тақдим этади.».

5. 10, 11-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. Масъул ходимларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг замонавий усуллари, услубла-

ри ва йўналишлари ҳақидаги ахборотга эга бўлишларини таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириб бериш мақсадида аудиторлик ташкилотлари мунтазам равишда ходимларни қайта тайёргарликдан ўтказишлари шарт.

11. Масъул ходим қўйидаги функцияларни бажаради:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш учун аудиторлик ташкилоти хизматларидан фойдаланиш хавфининг олдини олиш учун қонун ҳужжатларида, мазкур Қоидаларда ва ички қоидаларда кўзда тутилган чораларни кўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари, ушбу Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилиниши назоратини амалга оширади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга оид қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни аудиторлик ташкилотининг раҳбарига тақдим этади;

аудиторлик ташкилоти фаолиятида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан аудиторлик ташкилотининг раҳбарига кўриб чиқиши учун таклифлар киритади;

аудиторлик ташкилотининг раҳбарига ушбу Қоидалар бажарилиши натижалари тўғрисидаги ҳисоботни камида бир йилда бир маротаба тақдим этади;

шубҳали операциялар, уларни бажаришга уринишлар тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида узатилишини, шунингдек махсус ваколатли давлат органининг қўшимча ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

ички назоратни ташкил қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва махсус ваколатли давлат органининг масъул шахслари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Рўйхатни аудиторлик ташкилоти ходимларига еткази.

6. Қўйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

«14¹. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатиш-

ни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тutilган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши ҳамда аниқланган таваккалчиликларни камайтиришга доир тегишли чоралар кўриши шарт.».

7. 15-банддаги «легаллаштиришнинг ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 16-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Чет эл аудиторлик ташкилотининг алоҳида бўлинмалари (агар мавжуд бўлганда) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни амалга оширишда улар жойлашган мамлакат талабларига риоя қилишлари лозим, мазкур талаблар Ўзбекистон қонунчилиги талабларидан фарқ қилган тақдирда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартларни қўллаши лозим.».

9. 17-банддаги «легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

10. 19-банднинг еттинчи хатбошисидаги «энг кам ойлик иш ҳақи» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 30-банднинг «а» кичик банди кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Рўйхатга киритилган шахслар ёки Рўйхатга киритилган шахснинг назоратидаги шахслар, Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёхуд билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилувчи шахслар;».

12. 53-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«53. Мижозни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, аудиторлик ташкилотлари мижоз томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги камида бир йилда бир мартаба янги-ланиб борилиши лозим.».

13. 1-илова 4-бандининг рус тилидаги матнидаги «и финансированию терроризма» деган сўзлар «финансированию терроризма и финансированию распространения оружия массового уничтожения» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 3-илованинг 1-банди кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мижозни ва унинг бенефициар мулкдорини идентификациялаш жараёнида олинган, Аудиторлик ташкилотларида жиноий фаолиятдан олин-

ган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 2-иловасида кўрсатилган маълумотлар.».

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 9 ноябрдан 15 ноябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 11 ноябрдаги 508-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 11 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 23 октябрдаги 52, 82, 27-сон «Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196.

3. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 42-2019-Б-сон «Штамплаш ишлаб чиқариши ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2046-1.

4. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 23 октябрдаги 41-2019-Б-сон «Халқ бадий ҳунармандчилиги ва соғалар ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2186-1.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 31 октябрдаги 95-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестация-

дан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 13 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-3.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 ноябрдаги 513-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 14 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2689-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 16 октябрдаги 105, 26-сон «Аудиторлик ташкилотлари учун жинорий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 15 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3101-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишдан бўйин товляётган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳамда Суд департаменти, ички ишлар идоралари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1997, 2009 йил 25 август), шунингдек унга қўшимча (рўйхат рақами 1997-1, 2015 йил 11 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 12 ноябрдаги 509-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тарбияланувчиларини озик-овқат, кийим-кечак, пойабзал, бошқа ашёвий таъминот буюмлари ва юмшоқ анжомлар билан таъминлаш меъёрларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2689, 2015 йил 23 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 14 ноябрдаги 513-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

